“Навоийзот” АЖ Комплаенс-назорат бошқармасининг 2025 йил давомида амалга оширган ишлари бўйича

ҲИСОБОТИ

«Навоийазот» АЖ Комплаенс-назорат бошқармасининг иш фаолияти 2025 йил учун тасдиқланган иш режаси асосида ташкил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, «Ўзкимёсаноат» АЖ ва «Навоийазот» АЖ раҳбарияти томонидан қўйилган топшириқлар асосида ва корхонанинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиб келинмоқда.

1. Коррупцияга оид қабул қилинган ҳужжатлар ва уларни таништирилганлик даражаси;

Бошқарма иш фаолияти асосан, Жамиятда коррупцияга қарши кураш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, белгиланган цехлар тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, цехларда коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлаш тадбирларида фаолиятни ташкиллаштиришга, Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг эҳтимолий бузилиш ҳавфларини аниқлаш, баҳолаш ҳамда уни бошқариш, масъул шахслари томонидан ўз вазифаларини бажариш жараёнида рақобатга зид хатти-ҳаракатлар амалга оширилишининг олдини олишга қаратилган.

Корхонада коррупцияга қарши кураш, Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг эҳтимолий бузилиш ҳавфларини, яъни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, корхона жамоасининг ҳуқуқий билимини ошириш максадида, белгиланган тартибда ходимлар билан тузиладиган барча меҳнат шартномаларга коррупцияга қарши кураш йўналиши бўйича қўшимча банд киритилди, ҳамда ходимлар билан қўшимча шартномалар имзоланди.

Шунингдек, Стандарт талаблари доирасида қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар Жамият ишчи-ходимларининг хабардорлигини ошириш мақсадида, корхонанинг ҳар бир бўлим, бошқарма ва цехларда такрорий равишда ўқув режа тузган ҳолда ўқиш-ўрганиш ишлари амалга оширилди ва натижаси бўйича баённомалар расмийлаштирилди.

Шу билан бир қаторда, ISO 37001:2016 халқаро стандарти талаблари бўйича “Навоийазот” АЖга жорий этилган коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими юзасидан қўлга киритилган Халқаро сертификат муддатини узайтириш доирасида “CERT ACADEMY” ташкилоти томонидан ташқи аудит тадбирлари ўтказилди, ўрганиш натижалари ва компания аудиторлари хулосасига кўра, жамиятга берилган сертификат муддати яна 1 йилга узайтирилди.

2. Тузилган шартномалар, ўтказилган тендер ва конкурслар конунийлиги ва ички меъёрий хужжатларга мувофиқлиги;

Жамиятда шартномалар бўйича фаолият, асосан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома тарафларидан бири бўлган "Навоийазот" АЖ томонидан шартномалар тайёрлаш, келишиш ва тузиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида "Навоийазот" АЖда тузилган шартномаларни келишиш, имзолаш ва ижро этиш бўйича Низом" ишлаб чиқилган бўлиб, бу ўз навбатида Жамият учун энг қулай ва мақбул шартларда шартномалар тузиш ва бажарилишини, шунингдек, турли салбий ҳуқуқий ва молиявий оқибатларнинг олдини олишни кафолатлайди.

Ушбу Низом талаблари асосида, кўрсатилган даврда корхона бўйича 9 та тендер ва танловлар эълон қилинди ва 20 млрд. 794 млн. 011 минг 600 сўм миқдоридаги шартномалар имзоланди.

Шу билан бир қаторда, корхонанинг бухгалтерия, таъминот ва юридик бўлимларидан олинган маълумотларга кўра, ҳисобот даврида 1835 та шартнома имзоланиб, шундан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар сони 380 та, корпоратив карта 119 тани ташкил этади.

Ушбу «Низом» талаблари асосида фаолият йўлга қўйилган бўлиб, барча йўналишлар бўйича имзоланаётган тўғридан-тўғри шартномалар расмийлаштирилишидан олдин Комплаенс-назорат бошқармаси ходимлари томонидан атрофлича ўрганилиниб, керакли тавсиялар бериб борилмоқда. Шу билан бирга, биржа савдолари бўйича харид қилинаётган махсулотлар ва хизматлар мунтазам равишда мониторинг қилиниб, аниқланган ҳолатлар, камчиликлар ва уларни олдини олиш бўйича бошқарув раисига таклифлар киритиб борилмоқда.

Давлат харидларини назорат қилиш ва коррупцияни олдини олиш бўйича Жамиятнинг Хом-ашё, ускуналар, материаллар сотиб олиш бўлими томонидан ўтказилган харидлар жараёнлари комплаенс назоратидан ўтказилиши таъминланди.

Жумладан, 760 тадан ортиқ контрагент комплаенс назоратидан ўтказилиб, аниқланган юқори баҳоланган тижорат таклифлари юзасидан тегишли хулосалар берилди, ҳамда чек варақалар тўлдирилди.

Бундан ташқари, Жамиятнинг ишчи ходимларини байрам, дам олиш кунлари ва ишдан ташқари ишлаганларига тўловларни амалга ошириш жараёнларида 1500 дан ортиқ тўлов ҳужжатлари комплаенс назоратидан ўтказилди.

3. Берилган ёки олинган совғалар, амалга оширилган хомийлик ва вакиллик харажатлари, корпоратив карталардан фойдаланишда қонунчилик талаблари бажарилиши;

Ҳисобот даврида, Жамиятнинг «Хайрия ва Хомийлик фаолияти тўғрисидаги Сиёсат» талаблари асосида 38.402.700.305 сўмга ҳомийлик тадбирлари амалга оширилган.

Жорий йилда вакиллик харажатлари 1.942.593.903 сўмни ташкил этган бўлиб, шундан меҳмон кутиш харажатлари 1.219.920.070 сўмни ташкил этди.

4. Фуқароларни ишга олиш ва ходимларни лавозимдан лавозимга ўтказишда амалдаги норматив ҳуқуқий-ҳужжатларга мослиги, аниқланган манфаатлар тўқнашуви, мавжуд камчиликлар, мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5177-сон қарори ижроси ҳолати;

Жорий йил давомида жамият томонидан 341 нафар фуқаро ишга олинган. Ҳисобот даврида 313 нафар ходим ишдан бўшатилган. Шундан 17 нафари штатлар қисқариши, 126 нафари томонларнинг келишуви, 95 нафари ўз ҳоҳишига кўра, 16 нафари ходимнинг вафоти муносабати билан, 0 нафари муддатли мехнат шартномасини муддати тугаши билан, 35 нафари иш берувчи ташаббусига кўра, 7 нафари суд қарори билан, 17 нафари тиббий хулоса бўйича ишдан бўшатилган. Шунингдек, 94 нафари ўз аризасига кўра нафақага чиқарилган.

Кўрсатилган даврда 175 нафар ишчи ходимларга ўз хизмат мажбуриятларини виждонан бажармаганлиги ва ички-меҳнат тартиб қоидаларини бузганликлари учун Мехнат кодекси талаблари асосида «ҳайфсан», «жарима» интизомий жазо чоралари кўлланилган, 975 нафар иш-ходимлар мехнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва бошқа ҳолатлар учун шахсий кўпайиш коэффициентини камайтириш орқали жазоланган.

Шу билан бирга, жамият ва тизимдаги корхоналарда коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва чек қўйиш ушбу иллатларга имкон берувчи сабаб ва оқибатларини, ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Меҳнат муносабатларида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари.

- Жамият бошқаруви раисининг 2024-йил 26-декабрдаги 2393-сонли "Манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш шакли ва лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги" буйруғи асосида, 1580 нафар манфаатлар тўқнашуви хавфи юқори бўлган инженер-техник ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш декларацияси тўлдирилиши таъминланди.

Тўлдирилган декларациялар таҳлил қилинганда, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 7 та масъул ходимларда реал манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги, 19 та ҳолатда эса эҳтимолий (потенциал) манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жамиятлар бошқарув раисларининг кўрсатмаларига асосан, манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда Одоб-аҳлоқ комиссияси томонидан ушбу ходимларни корхонанинг бошқа цехларига ва лавозимларига ўтказилиши билан манфаатлар тўқнашувини олдини олиш чоралари кўрилмоқда, шунингдек манфаатлар тўқнашуви мажудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги декларациялаш тизимда коррупция кўринишларининг оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш, сабаблари билан курашиш, унга чек қўйиш имконини беради.

Шу билан бирга, жамият ва тизимдаги корхоналарда коррупцион хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва чек қўйиш ушбу иллатларга

имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

5. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўрганиш натижалари;

2025 йил давомида "Навоийазот" АЖга жисмоний ва юридик шахслардан 174 та мурожаат келиб тушган. Шундан 149 таси Виртуал қабулхона орқали, 25 таси бевосита жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларни ташкил этади.

Бевосита жамиятга келиб тушган мурожаатлар бўйича 25 таси қаноатлантирилган, 148 тасига тушунтиришлар берилган, 1 нафарига тегишлиги бошқа ташкилотларга юборилган.

Таҳлилларга кўра, қаноатлантирилган мурожаатларнинг аксарияти корхонага ишга кириш, фарзандини корхонада амалиёт ўташига рухсат бериш, ногирон ва кам таъминланган ишчи - хизматчиларга моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқа масалаларни ташкил этади.

Тушунтириш берилган фуқароларнинг кўпчилиги корхонага ишга жойлашиш юзасидан мурожаат қилишган.

Жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилмаган.

2025 йил давомида жамиятда мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича ОАВда чиқишлар сони 151 тани ташкил этган ва ҳар чоракда жамиятнинг веб сайти, телеграм канали ҳамда "Навоий кимёгари" газетасида чоп этиб борилмоқда.

6. Коррупцион хавф-хатарлар мавжуд бўлган бошқа ҳолатлар (ишлаб чиқаришда қўшиб ёзиш, омборлардаги камомадлар, Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талаблари бузилиши, ишга олиш, рағбатлантириш талабларининг бузилиши ва ҳ.к.) тўғрисида;

Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари.

Ҳисобот даврида «**Навоийазот**» АЖдаги коррупцион қонунбузарликлар, ноқонуний ўзлаштириш, растрата, ўғирлик, камомад, қўшиб ёзиш ва бошқа қонунбузилишлар бўйича жами **19** та ҳолатлар аниқланиб, улар бўйича тегишли тартибда хизмат текширувлари ўтказилди.

Юқоридаги каби аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича 4 нафари жиноий жавобгарликка тортилган, 2 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. 1 нафарига маъмурий жазо қўлланилган, 5 нафардан ортиқ масъул ходимларга нисбатан турли интизомий жазолар қўлланилди.

2025 йил давомида «**Навоийазот**» АЖ ва тармоқ корхоналарида аниқланган коррупцион ҳаракатлар, корхона маблағларининг талон-тарож қилиниши оқибатида тизимга жами **108,2 млрд. сўм**лик зарар етказилганлиги қайд этилди. Шунингдек, ўтган ҳисобот даврида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида етказилган жами зарарнинг **14,0 млрд. сўмдан** кўпроғи ундирилиши таъминланди.

1. "Навоийазот" АЖ "PVX,KS ва М" ишлаб чиқариш комплекси бош энергетиги С.Қ.Мирашов, 107-цех бўйича товар моддий бойликлар жавобгари катта уста А.Х.Эргашов, 910-цех энергетиги Т.Е.Ходжиев, 910-цех электр

қурилмалари таъмирлаш устаси Д.Б.Қодиров, 910-цех 4-тоифали электромонтёри Д.Х.Ўриновлар иштирокида 107-цехга қарашли 900/2-биносидан 940-биноси оралиғидаги эстакада, яъни EB4:6 YoTQ-0,4 kV биноси орасидаги кабелнинг узунлиги қадамлаб ўлчаниб, 560 метр эканлиги, шундан 157 метр кабел эстакадалар орасидан икки жойидан (37, 120 метр узунликдаги кабел бўлаклари) йўқлигини, қадамлаб ўлчаганда 403 метр (25.100, 54, 161 метр бўлаклардан иборат) кабеллар эстакадада қолгани аниқланди. умумий ҳисобдаги камомади **56 метр 54 смни**, жамият таъминот бўлими томонидан тақдим қилинган маълумотга кўра, 1 метр мис кабелининг нархи 1.167.566 сўмни ташкил этиб, умумий жамиятга етказилган моддий зарар миқдори **66,0 млн**. сўмни ташкил этади.

Ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар, ҳолатга аниқлик киритиш, айбдорларни, ҳамда етказилган зарар миқдорини аниқлаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

2. Жамиятнинг Кузатув назорати ва таҳлил бўлими бошлиғи Ш.Б.Синдаров томонидан бошқарув раиси Ф.Х.Самадовга 2025-йил 16-январдаги 1729-сонли билдиргиси ҳамда бошқарув раисининг 025, 916, 012-цехлар томонидан фойдаланиладиган қимматбаҳо металлар бўйича навбатдан ташқари хатлов ўтказиш ҳақидаги 2025 йил 18-январдаги 114-сонли буйруғига асосан ўрганиш ўтказилди. Ўрганишда, 14.01.2025 йилда 025-сонли цех бошлиғи А.Ҳайдаровнинг хизмат хонасида мавжуд бўлган темир сейфда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 06.03.1999 йилдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзкимёсаноат" АЖнинг "Қимматбаҳо металлар, шлам ва ломларни қайта ишлаш тартиби" ҳамда "Навоийазот" АЖ 01.04.2021 йилдаги 512-сонли буйруғи талабларига зид равишда 09.01.2025 йилда 1-сонли агрегатнинг окислитель люкидан олинган полиэтилен қопга пломбаланган ва белгиланган тартибда 104-сонли омборга топширилмаган шлам борлиги, яъни "Қимматбаҳо металлар ва тошларни қабул қилиш, сарфлаш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби бўйича" Йўриқноманинг 9.8, 9.9, 9.13-бандларининг талаблари бузилганлиги аниқланган.

Ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 312 моддаси 1-қисми 2-бандига асосан ойлик иш ҳақидан 15 фоиз миқдорда жарима ундирилди.

3. Жорий йилнинг 1-чорагида «Навоийазот»АЖ мол-мулкини жуда кўп миқдорда ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилинганлик ҳолатлари ҳам аниқланди.

Жумладан, Наманган вилоятидаги 43-сонли "CLUSTER AGROCHEM" МЧЖ ваколатли омборида ҳақиқатда мавжуд минерал ўғитлар қолдиғини аниқлаш мақсадида, "Навоийазот" АЖнинг 28.02.2025 йилдаги 422-сонли буйруғига асосан тузилган комиссия иштирокида юқорида қайд этилган Мингбулоқ ва Поп туманларидаги 43-сонли ваколатли омборида бўлиб, минерал ўғитлар қолдиғи хатловдан ўтказилди.

Хатлов жараёнида, омборда 03.03.2025 йил ҳолатига "CLUSTER AGROCHEM" МЧЖга қарашли 43-сонли омборда 51147.533 тонна,

14.762.988.404 сўм миқдордаги камомад аниқланиб, Наманган вилоят прокуратураси томонидан ЖКнинг 167-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

4. Шунингдек, жамият бошқаруви раиси топшириғига асосан, жамият минерал ўғитлари сақланаётган Қашқадарё вилояти Қамаши туманида жойлашган «BMX STUDY CONSULT» МЧЖда ўтказилган хатлов натижасига кўра, аниқланган **1408** тонна, **3 млрд. 900 млн.** сўм миқдордаги аммиакли ўғитлар камомади ҳолати юзасидан Прокуратура органлари томонидан ЖКнинг 167-моддаси билан қўзғатилган жиноят иши доирасида етказилган зарарнинг бир қисми сифатида 600 млн. сўм қайтарилди.

5. Ўрганиш давомида Қорақалпоғистон Республикаси худудида жойлашган "60-сонли "ДАВР ҲАМКОР ТРАДЕ" МЧЖ ваколатли омборнинг минерал ўғитлар қолдиғи чамалаб (визуал тартибда) кўрилганда МЧЖ ҳудуди омборида 1994.6 тонна аммиакли селитра минерал ўғитлари қолдиғи борлиги аниқланди. Ушбу текширув натижасида хисобхона маълумотларига нисбатан 184,9 тонна 518.5 млн. сўмлик камомад борлиги маълум бўлди. Жойида расмийлаштирилган далолатномага "ДАВР ҲАМКОР ТРАДЕ" МЧЖ омбор мудири жавобгар шахс А.Айтбаевнинг хатлов жараёнида иштирок этмагани сабабли, "Навоийазот" АЖнинг 2025-йил 20-февралдаги 337-сонли буйруғига асосан қайтадан ишчи гурухи тузган холда ушбу ҳолат қайта ўрганилганда **112,2** тонна **314.6 млн** сўмлик минерал ўғитлар камомади борлиги аниқланган ва далолатнома расмийлаштирилган. Ушбу ҳолат бўйича маълумот жамият раҳбариятига тақдим этилган. Лекин далолатномага ташкилот раҳбари Д.Абдухалиқов имзо чекишдан бош тортган. Хатлов жараёнида аниқланган камомад жойида қайтарилиши таъминланган.

6. Хоразм вилоятидаги 52-сонли "GURLAN BIO KIMYO XIZMAT" МЧЖ ваколатли омборида ҳақиқатда мавжуд минерал ўғитлар қолдиғини аниқлаш мақсадида, "Навоийазот" АЖнинг 11.06.2025 йилдаги 1095-сонли буйруғига асосан тузилган комиссия иштирокида юқорида қайд этилган Урганч шаҳридаги 52-сонли ваколатли омборида бўлиб, минерал ўғитлар қолдиғи хатловдан ўтказилди.

Хатлов жараёнида, омборда 21.06.2025 йил ҳолатига "GURLAN BIO KIMYO XIZMAT" МЧЖга қарашли 52-сонли омборда **1209,987** (Бир минг икки юз тўққиз тонна тўққиз юз саксон етти кг.) тонна, **3.392.985.046,05** (уч миллиард уч юз тўқсон икки миллион тўққиз юз саксон беш минг қирқ олти сўм 05 тийин) сўмлик аммиакли селитра минерал ўғити камомади аниқланди.

7. Шунингдек Жиззах вилоятидаги ваколатли омборларида ҳақиқатда мавжуд минерал ўғитлар қолдиғини аниқлаш мақсадида, "Навоийазот" АЖнинг 07.04.2025 йилдаги 646-сонли буйруғига асосан тузилган комиссия иштирокида минерал ўғитлар қолдиғи хатловдан ўтказилиб, қуйидаги камомадлар аниқланди ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" банди, 228-моддаси 3-қисми билан қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда, жумладан, Жиззах шаҳридаги 42-сонли ("BEST ES HAMKOR" МЧЖ) ваколатли омборида минерал ўғитлар қолдиғи хатловдан ўтказилганда **10255,700** (ўн минг икки юз эллик беш тонна етти юз кг) тонна,

яъни **28.037.842.860,30** (йигирма саккиз миллиард ўттиз етти миллион саккиз юз қирқ икки минг саккиз юз олтмиш сўм 30 тийин) сўмлик аммиакли селитра минерал ўғити камомади аниқланди.

8. Пахтакор туманидаги 71-сонли ("PRIME SUGAR" МЧЖ) ваколатли омборида минерал ўғитлар қолдиғи хатловдан ўтказилганда **7 194,500** (етти минг бир юз тўқсон тўрт тонна беш юз кг) тонна, яъни **19.668.892.465,50** (ўн тўққиз миллиард олти юз олтмиш саккиз миллион саккиз юз тўқсон икки минг тўрт юз олтмиш беш сўм 50 тийин) сўмлик аммиакли селитра ва **337,130** (уч юз ўттиз етти тонна бир юз ўттиз кг) тонна, яъни **713.209.640,29** (етти юз ўн уч миллион икки юз тўққиз минг олти юз қирқ сўм 29 тийин) сўмлик сульфат аммоний минерал ўғитлари камомади аниқланди.

9. Пахтакор туманидаги 61-сонли ("Zomin Kimyo" МЧЖ) ваколатли омборида минерал ўғитлар қолдиғи хатловдан ўтказилганда 1 294,120 (бир минг икки юз тўқсон тўрт тонна бир юз йигирма кг) тонна, яъни **3.537.967.491,48** (уч миллиард беш юз ўттиз етти миллион тўққиз юз олтмиш етти минг тўрт юз тўқсон бир сўм 48 тийин) сўм аммиакли селитра ва 67,863 (олтмиш етти тонна саккиз юз олтмиш уч кг) тонна, яъни **230.580.965,35** (икки юз ўттиз миллион беш юз саксон минг тўққиз юз олтмиш беш сўм 35 тийин) сўм АФУ минерал ўғитлари камомади аниқланди.

10. "Навоийазот" бошкарувининг 2025-йил 18-февралдаги 322-сонли бўйруғига асосан жамият таркибидаги "036" – сонли темир йўл цехида 2024 йил 1 январдан 2025-йил 18-февралга қадар ЁММдан самарали фойдаланиш бўйича ўрганиш ўтказиб, темир йул цехига қарашли ТЕМ2-2302 ҳамда ТЕМ2 2117 рақамли монёвр тепловозлари бўйича "GPS" қурилмаси кўрсаткичларига нисбатан жами 56 соат 25 дақиқа ортиқча хато соат ишлаганлиги кўрсатилиб, **11 603.6** минг сўмлик 1136.78 литр ортиқча дизел ёқилғиси хисобдан чиқарилганлиги холати аниқланиб, далолатнома расмийлаштирилди. Тўпланган ҳужжатлар тегишлиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

11. Навоий ҳарбий прокуратурасининг 2024-йил 10-декабрдаги хужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисидаги ҳамда "Навоийазот" АЖнинг 14-декабрдаги №2299 – сонли бўйруғига асосан ишчи гурухи тузилиб, жамият омборларидаги ПВХ махсулотлари саноқдан ўтказилди ва жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи бўйича ПВХ тайёр маҳсулоти қолдиғи 14 980,095 тоннани ташкил этган бўлса, ҳақиқатда инвентаризация натижасида 15 038,048 тонна ПВХ маҳсулотлари борлиги аниқланиб, ҳисоботга нисбатан 57,951 тонна ортиқча ПВХ маҳсулоти борлиги аниқланди. Шунингдек, ўрганилган ва олинган маълумотлар Навоий ҳарбий прокуратурасига юборилди.

12. Хоразм вилоятидаги 05-сонли "Xasanota" МЧЖ ваколатли омборида ҳақиқатда мавжуд минерал ўғитлар қолдиғини аниқлаш мақсадида, "Навоийазот" АЖнинг 15.09.2025 йилдаги 0061-сонли буйруғига асосан тузилган комиссия иштирокида юқорида қайд этилган Урганч шаҳридаги 05-сонли ваколатли омборида бўлиб, минерал ўғитлар қолдиғи хатловдан ўтказилди.

Хатлов жараёнида, омборда 19.09.2025 йил ҳолатига "Xasanota" МЧЖга қарашли 05-сонли омборда **302,00** (уч юз икки) тонна, **8466853300,00** (саккиз

юз қирқ олти миллион саккиз юз эллик уч минг юз сўм) сўмлик аммиакли селитра минерал ўғити камомади аниқланди.

13. Тошкент вилояти Янгийул туманидаги 49-сонли "GULNUR DAMIR" МЧЖ ваколатли омборида ҳақиқатда мавжуд минерал ўғитлар қолдиғини аниқлаш мақсадида, "Навоийазот" АЖнинг 14.06.2025 йилдаги 1108-сонли буйруғига асосан тузилган комиссия иштирокида юқорида қайд этилган Тошкент вилояти Янгийул тумандаги 49-сонли ваколатли омборида бўлиб, минерал ўғитлар қолдиғи хатловдан ўтказилди.

Хатлов жараёнида, омборда 02.07.2025 йил ҳолатига "GULNUR DAMIR" МЧЖга қарашли 49-сонли омборда 1722,950 (Бир минг етти юз йигирма икки тонна тўққиз юз эллик кг) тонна, 4686424,00 (тўрт миллиард олти юз саксон олти миллион тўрт юз йигирма тўрт минг) сўмлик аммиакли селитра минерал ўғити камомади аниқланди.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Наманган вилояти Мингбулоқ туман бўлимининг 17.09.2025 йилдаги 7-4595869/25-сонли хатига асосан, жорий йилнинг 23 сентябрь ҳолатида ваколатли омбордаги минерал ўғитлар қолдиғи хатловдан ўтказилди.

"Навоийазот" АЖ бухгалтерия ҳисобига асосан 43-сонли "CLUSTER AGROCHEM" МЧЖ ваколатли омборида 19.09.2025 йил ҳолатида 676,943 тонна (олти юз етмиш олти тонна тўққиз юз қирқ уч кг) тонна, 1.841.284.960 (бир миллиард саккиз юз қирқ бир миллион икки юз саксон тўрт минг тўққиз юз юз олмиш сўм) сўмлик аммиакли селитра маҳсулотлар колдиғи мавжуд эмаслиги аниқланди.

15. "Навоийзот" АЖ бошқарув раисининг 2025-йил 20-октябрь кунидаги 0295-сонли буйруғига асосан комиссия томонидан 2025-йил 21-октябрь кунидан 037-автотрнаспорт цехи ёнилғи қўйиш шаҳобчасидага дизел ёқилғиси ва бензин сақлаш резервуарларидаги ёқилғи қолдиқлари ўлчаш юзасидан хизмат текшируви олиб борилди.

16. Навоий вилояти Давлат хавфсизлик хизматининг маълумоти ҳамда раҳбариятнинг оғзаки кўрсатмасида "Навоийзот" АЖ бошқарув раисининг 2025-йил 03-ноябрь кунидаги 0398-сонли буйруғига асосан комиссия томонидан 025-цех 2-сонли агрегатидаги Абсорбцион колоннасидан тўкиб олинган суюқлик қимматбаҳо металларни сақлашга мўлжалланган махсус 104-сонли бинога олиб келинмасдан 025-цехнинг таъмирлаш устахонасида сақлангани юзасидан хизмат текшируви олиб борилди. Йўриқнома"нинг 12.4-банди талаблари бузилганлиги аникланди. Хизмат текшируви хулосаси нусхаси интизомий жазо қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун корхона кадрлар бўлимига юборилди.

17. "Навоийзот" АЖ бошқарув раисининг 2025-йил 5-ноябрь кунидаги 0415-сонли буйруғига асосан комиссия томонидан "Навоийазот" АЖ билан "Диамонд Ҳоусе Булд" МЧЖ ўртасида шартномавий муносабатлар, амалга оширилган пул операцияларининг қонунийлиги, жамият манфаатларига етказилган моддий зарар миқдорини аниқлаш ва масъул ходимларнинг ҳатти-ҳаракатларига баҳо бериш мақсадида хизмат текшируви олиб борилди.

Тўпланган ҳужжатлар тегишлиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

18. Навоий вилояти Навбахор туманидаги 045-сонли “Saroy Uni” МЧЖ ваколатли омборида ҳақиқатда мавжуд минерал ўғитлар қолдиғини аниқлаш мақсадида, “Навоийазот” АЖнинг 29.09.2025 йилдаги 0165-сонли буйруғига асосан тузилган комиссия иштирокида юқорида қайд этилган. Хатлов жараёнида, омборда 28.10.2025 йил ҳолатига “Saroy Uni” МЧЖга қарашли 045-сонли омборда **132,060** (бир юз ўттиз икки) тонна, **315.402.545,00** (уч юз ўн беш миллион тўрт юз икки минг беш юз қирқ беш сўм) сўмлик аммиакли селитра минерал ўғити камомади аниқланди. Тўпланган ҳужжатлар тегишлиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди.

Харидларни ташкил этиш соҳасида қонунбузилиш ҳолатлари.

1). Ҳисобот даврида, “Навоийазот” АЖ ва “CHEMICAL MAGIC” МЧЖ орасида тузилаётган шартнома лойиҳасида “Порошок кислотоупорный (диабазовая мука)” 1 тоннаси учун 4.500.000 сўм ҚҚС билан бирга нархи кўрсатилган ҳолда харид қилиш кўзда тутилган бўлиб, комплаенс назорат ходимлари ўрганиши давомида шартнома лойиҳасида кўрсатилган (1кг-7150 сўм) ва ижтимоий тармоқлар орқали олинган нархлар (1 кг. - 5500 сўм) ва (1 тоннаси-4.500.000 сўм) шунда очиқ манбалардан олинган нарх қийматлари орасидаги фарқ **94 млн. 50 минг ва 151 млн. 50 минг сўм арзон** эканлиги аниқланди. Бу борада бошқарув раисига тегишли тартибда маълумот тақдим этилиб, шартнома имзоланишининг олди олинди ва ижрочига нисбатан тегишли инизомий жазо қўлланилди.

Шунингдек, “Навоийазот” АЖ ва “Станкосервис” МЧЖ орасида имзоланаётган 312 млн. сўм миқдордаги ТМБларни харидига оид шартнома лойиҳаси ўрганилиб, **200 млн. сўм** қиммат нархларда харид қилинаётгани аниқланиб, шартнома бекор қилинди.

2). Хом-ашё, асбоб-ускуналар харид қилиш бўлимининг “Навоийазот” АЖнинг 129-сонли цехининг ЭДО:№2080-сонли буюртмаси асосида “Сукно шинельное” эни 139 см. маҳсулоти юзасидан тайёрланган харид маълумоти ўрганиб чиқилганда, контрагентлар “Rising Partner” ХК, “Universal Businesses” МЧЖ, “Competitive Enterprises” МЧЖлар афилланганлик ҳолати ва улар томонидан таклиф этилган нархлар ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида контрагентларнинг афилланганлик ҳолати аниқланмади. Нархлар очиқ манбалар орқали таҳлил этилганда бир неча бор юқори эканлиги аниқланиб, бошқарув раисига ёзма маълумот киритилди, шунингдек 172.475.000 (бир юз етмиш икки миллион тўрт юз етмиш беш минг) сўмлик юқори кўрсатилган шартноманинг олди олинди.

3). Жамиятнинг 50-сонли цехи томонидан 14.05.2025 йилдаги 15237-сонли буюртмаси юзасидан тайёрланган тижорат таклифлар ўрганилганда, юқорида қайд этилган буюртмадаги товар моддий бойлик (ТМБ)лар, яъни “Аквариум рыбный” 180х60х160 см. “с сиситемой фильтрации декоративным Led”ни контрагентлар: “Navoiy Agro Story Servis” МЧЖ, “Aziya Brend 777” ва “AV-MIR” Х/Клар томонидан энг арзони 46.000.000 (қирқ олти миллион) сўмга таклиф берганлар. Аслида эса, буюртмачи аквариум ўлчами, номи юзасидан

маълумот бермаган. Ўрганишлар жараёнида, 1С дастурига тижорат таклиф бераётган контрагентлар тўғрисида афилланганликлари юзасидан маълумотлар киритилмаган, биз томондан очиқ манбалар: "OZON", "PetZoo", "AKVARIUM.UZ", "AQUASTAR.UZ" орқали нархлар тахлил қилинганда, "Аквариум рыбный, с сиситемой фильтрации декоративным Led" ва бошқа шунга ўхшаш офисбоб аквариум турлари 7 млн. 677 минг сўмдан 12 млн. 487 минг 863 сўмгача ва ундан ҳам арзонлари мавжудлиги аниқланди. Бу борада ҳам бошқарув раисига тегишли тартибда маълумот киритилиб (ЭДО№17307 30.05.2025й.) шартнома рад этилди.

4). Хом-ашё, асбоб ускуналар харид қилиш бўлимининг №007/011-сонли цехлар учун ТМБлар олиш юзасидан 1С.га жойлаштирилган 11.11.2025 йилдаги 1С №00001911-рақамли таҳлили юзасидан ҳам ўрганиш олиб борилганда, "Переобразователи частоты, номинальное мощность-200 кВт, напряжение подключаемой сети 380В." товаридан 2 (икки) дона олиш учун: 1) "IDN Investors Group" (инн.:310977345), 2)"TENDORA Group" (инн.:312238939), 3)"Bloom Capital" (инн.:312238882) МЧЖлар ўз таклифларини берганлар. Шундан, 1) "IDN Investors Group" МЧЖ бир дона ускуна учун 495 (тўрт юз тўқсон беш) миллион, 2)"TENDORA Group" бир донаси учун 550 (беш юз эллик) миллион, 3)"Bloom Capital" бир дона ускуна учун 620 (олти юз йигирма) миллион сўм таклиф берган бўлиб, сотиб олиш учун минимал нарх деб: 1) "IDN Investors Group" МЧЖ томонидан таклиф этилган бир дона ускуна учун 495 (тўрт юз тўқсон беш) миллион сўм, иккита ускуна учун 990 (тўққиз юз тўқсон) миллион сўм танлаб олинган.

Биз томондан очиқ манбалар-"Zon.uz." орқали ўрганилганда: "Переобразователи частоты, номинальное мощность-200 кВт, напряжение подключаемой сети 380В." 42 (қирқ икки) миллион 700 (етти юз) минг сўмдан 61 (олтмиш бир) миллион 490 (тўр юз тўқсон) минг сўмгача эълон берилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, ижрочи сифатида таклиф берган юқоридаги учта МЧЖ "Orginfo.uz." орқали афилланганлиги ўрганиб чиқилганда: 1) "IDN Investors Group" МЧЖ (ИНН:310977345) Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани Кичик халқа кўчаси, 87-уйда рўйхатдан ўтган ва раҳбари-Абдуллаев Ихтиёржон Икрамович бўлса, 2)"TENDORA Group" МЧЖ (ИНН:312238939) Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани Муқимий МФЙ, Эҳтиром кўчаси 8-уйда манзили қайд этилган бўлиб, раҳбари-Икрамов Алимардон Алишер ўғли ҳисобланади. Уларнинг яқин қариндошлигига расмий сайт орқали аниқлик киритиш имкони бўлмади. Аммо, 2)"TENDORA Group" (ИНН:312238939) ва 3)"Bloom Capital" (ИНН:312238882) МЧЖлар Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани Муқимий МФЙ, Эҳтиром кўчаси 8-уйда битта манзилда рўйхатдан ўтган ва бу афилланганлик ҳолати аниқланиб, бу ҳолатга йўл қўйганларга чора кўриш юзасидан жамият бошқарув раисига маълумотнома тақдим этилди.

Жамиятимиз цехларида аниқланган камчиликлар.

2025 йил декабрь ойида 919-сонли цехнинг қадоқлаш бўлимида сарфловчи материалларни ҳисобга олиш журналида 2025 йил ноябрь ойида кирим ва чиқим қилинган материалларни хисобини тўғри юритилиши юзасидан ўрганиш ўтказилганда жуда кўп миқдорда хато ва камчиликлар борлиги аниқланди. Жумладан: Журналда сменани қабул қилган, топширган ҳамда смена мастерларининг исми шарифи ва имзолари тўлиқ қўйилмаган. Журнал графалари тўлиқ тўлдирилмаган. Журналдаги рақамлар бўяб чизиб нотўғри тўлдириб келинган. 2025-йилнинг ноябрь ойи давомида жами **1705** дона 50 кг.ли ҳамда **7** дона 500 кг.ли қоплар фойдаланишга яроқсиз қоплар эканлиги журналда қайд этилган. Ушбу журналдаги рақамлар ўрганиб чиқилганда, биргина ноябрь ойи давомида камчиликлар борлиги аниқланиб, жамият бошқарув раисига маълумотнома тақдим этилди.

7. Корхонада ходимларни ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, коррупцияга нисбатан тоқатсизлик принципи шакллантириш бўйича ўқитиш, тренинг, семинар ва профилактик тадбирлари;

Ҳисобот даврида, Коррупцияни олдини олиш ва унга муросасиз муносабат шакллантириш бўйича Жамиятнинг барча цехлари ишчи ходимларида коррупцияга қарши муросасиз муносабат шакллантириш мақсадида умумпрофилактик тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Шу билан бирга, «Навоийзот» АЖ" телеграм бот канали, корхонанинг расмий веб-сайтида «Коррупцияга қарши кураш» саҳифалари орқали ишчи-ходимларни йўналиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар, йўналиш бўйича ишлаб чиқилаётган норматив ҳужжатлар билан таништириб борилмоқда.

Корхонанинг расмий веб-сайти "Navoiyazot.uz", "Navoiyazot"АЖ расмий телеграмм канали, ижтимоий саҳифаларида 25 дан ортиқ таҳлилий мақолалар орқали жамият ҳаётидаги ҳолатлар ёритиб борилмоқда.

8. Корхонадаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати талаблари бажарилиши, коррупцион ҳавф-хатарлар, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар.

- жамиятнинг цех бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, иқтисодчилар, техник ҳисобчилар, ҳамда молиявий-хўжалик ҳужжатлари билан ишлайдиган масъулларга, молиявий-хўжалик ҳужжатларини белгиланган талаблар асосида иш юритиш, коррупцион хатарларни ўрганиш, бартараф этиш чоралари мавзуларида ўкув-семинар машғулотларини давом эттириш;

- коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва йўл қўймаслик мақсадида профилактик тадбирларни мунтазам равишда жамият цехлари кесимида амалга ошириб бориш;

- Коррупцион хавф-хатари юқори бўлган бошқарма, бўлим ва цехларда жамиятнинг ўз ички имконияти орқали мунтазам равишда ички аудит ўтказишни таъминлаш;

- Аниқланган коррупцион ҳолатлар бўйича жавобгарликни муқаррарлигини таъминлаш;

- Коррупцияга қарши курашиш İSO 37001:2025 Ҳалқаро стандарти бўйича жамият ишчи-ходимларини ўқитиш тадбирларини давом эттириш, ҳамда босқичма-босқич жамият бўлим ва бошқармаларида, жамият ички аудиторлари иштирокида аудит тадбирларини амалга ошириб бориш;

- «Ўзкимёсаноат» тизимидаги корхоналар ўртасида тажриба алмашиш тадбирлари, ички хизмат сафарлари уюштириш;

- Комплаенс-назорат ходимлари малакасини ошириш бўйича ўқув-семенар курсларини ташкил этишни давом эттириш.

- Жамиятга Сотиб олинаётган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари" тўғрисидаги 22 апрель 2021 йилдаги ЎРҚ-684-сонли Қонуни, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 май 2022 йилдаги 276-сонли Қарори талаблари асосида амалга оширилишини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш.

9. Амалга оширилган ишлар (ютуқлар).

- жамият ҳаётига «Коррупцияга қарши курашиш» ISO 37001:2016 халқаро стандартини тадбиқ қилинди ва жорий йилнинг январь ойида ушбу стандартнинг Халқаро Сертификати муддати узайтирилди.

- «Коррупцияга қарши курашиш» ISO 37001:2016 ҳалқаро стандарти талаблари асосида жамиятнинг коррупцион ҳавфи юқори бўлган бўлим ва бошқармаларида бошқарув раиси томонидан тасдиқланган режага асосан ички аудит ўтказиш тадбирлари белгилаб олинди ва амалга оширилмоқда.

Комплаенс-назорат
бошқармаси бошлиғи в.в.б. **А.Т.Очилов**

«05» январь 2026 йил

Комплаенс-назорат бошқармаси ҳисоботи билан танишдим:

"Навоийазот" АЖ бошқаруви раиси **Ф.Ҳ.Самадов**

"05" январь 2026 йил